БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 6 (18.184). • 8 январь 1982 йил, жума • Баҳоси 3 тийин.

СССР 60

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА— ЗАРБДОР СУРЪАТ

БИНОКОР— БУНЁДКОР

Қурувчиларни, монтажчиларни эл эъзозлаб, бунёдкор дейиши бежиз эмас. Улар ўз касб маҳоратларини ишга солиб, кечагина бўм-бўш ётган ерда кўркам шаҳарлар, обод посёлкалар тиклайдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати билан фаровонлик корхоналари қад ростламоқда, қақроқ ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритиляпти. Касби бунёдкорлик бўлган бинокорлар армияси кундалик фидокорона меҳнати эвазига мамлакатимиз иқтисодий қудрати янада ортиб, халқ фаровонлиги юксалиб бормоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга оширш учун кураш мусобақасида фаол иштирок этаётган республикамиз қурилиш ҳамда монтаж ташкилотларининг азамат коллективлари ўн биринчи беш йиллигининг ҳар бир кунини зарбдор меҳнат билан нишонлаш тадбирларини кўряптилар. Фақат ўтган йилнинг ўзида барча молиявий манбалар ҳисобига умумий саҳни 6 миллион квадрат метрдан знёд ун-жой бинолари тикланди. Сирдарё ГРЭСнинг ўнинчи энергетика блоки, Муборак газни қайта ишлаш комплексининг янги қувватлари фойдаланишга топширилди. Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатларининг турли районлардаги филиаллари, Чирчиқ сут заводи каби корхоналар маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Тармоқ меҳнаткашлари 111 минг ўқувчи таълим оладиган мактаблар, 31 минг кичкинтойга мўлжалланган боғча ва яслилар, маданий ва маиший хизмат кўрсатадиган объектларни ишга туширдилар.

Булар беш йилликнинг дастлабки йилида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг бир қисми, холос. 1982 йилда республикамиз бинокорлик ташкилотлари янада ғайрат-шижоат билан ишга киришдилар. Улар беш йиллик иккинчи йилининг дастлабки кунлариданоқ юксак пировард натижа учун астойдил кураш олиб борib, кўпгина объектларда қурилиш-монтаж ишларини бир меъёрда бажаришга муваффақ бўлаётирлар. Энг муҳими, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги ноябрь Пленумида алоҳида таъкидлаб ўтганидек: «Меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар айни ишга туширилдиган қурилишларга имкони борича марказлаштирилишини таъминлаш, уларни тезроқ ишга тушириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани бериш керак. Бунинг учун қурилиш ташкилотлари эпчиллигини ошириш, техника ва кадрларни ўз вақтида энг зарур жойларга юборib туришни йўлга қўйиш лозим».

Партиямиз капитал қурилишни беш йилликнинг ҳал қилувчи соҳаларидан бири деб ҳисоблаётганлиги бежиз эмас. Беш йиллик ва 1982 йил план лойиҳаларининг хусусияти шундан иборатки, улар капитал маблағни камроқ ўстириб, асосий фондларни ишга туширишни анча кўпайтиришни кўзда тутади. Мавжуд моддий ва меҳнат ресурслари, қурилиш ташкилотларининг қувватлари, шунингдек битмай қолган қурилишнинг катта ҳажмлари бу йил алоҳида эътиборга олинди. Моҳият эътибори билан ҳозир капитал қурилишнинг реал, жуда яхши мувозанатлаштирилган плани мавжуд. Бу план нормал ишлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради. Республикамиз қурувчилари ва монтажлаш ташкилотларининг коллективлари тугалланмаган қурилишлар ҳажмини 7 процент камайтиришга аҳд қилдилар.

Бинокорлик ишларимизнинг бу йилги кўламлари анча катта. Барча молиявий манбалар ҳисобидан 1982 йилда капитал маблағлар 5,5 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу, ўтган йилдагидан 117 миллион сўм знёд. Унинг 78 проценти ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилишга, корхоналарни реконструкциялаш ҳамда техника билан қайта жиҳозлашга сарфланади. Маблағ сарфлаш қора ва рангли металлургияни ривожлантиришга 1,4 баравар, газ саноати учун эса 1,5 баравар кўпайди. Ёқилғи-энергетика комплекси, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши янада жадаллаштирилади. Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 300 миллион сўм ажратилганки, бу саноатга сарфланадиган капитал маблағларнинг бешдан бир қисмини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишига бинокорлар коллективлари ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Барча молиявий манбалар ҳисобига 96 минг гектар янгидан суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилади, илгаридан суғорилиб келинган 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 60 минг гектар майдонда текислаш ишлари бажарилади. 300 минг гектар яйловга сув чиқарилади. Қатор янги сув омборлари барпо қилинади. 6 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой бинолари ишга туширилади. Уй-жой кооперативлари йўли билан 416 минг квадрат метр уй-жой бинолари барпо қилинади.

Ана шу улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бинокорлик ташкилотлари, маҳаллий партия, совет органлари катта сафарбарлик ишлари олиб боришлари керак. СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракати имкониятларидан тўлароқ фойдаланиб, объектларнинг тез, сифатли қуриб тамомланишига, бинокорлик ишлари самарадорлигини оширишга эришиш лозим. Бунда мусобақалашаётган коллективлар учун самаралн ишлаш шарт-шароитларини яратиб бериш, барча бўлинмаларни ресурслар билан ўз вақтида тўла таъминлаш, иқтисод ва тежамкорлик учун қатъият билан кураш олиб бориш талаб этилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳақидаги қарори жойларда чуқур ўрганилиб, бинокорликда юксак натижаларга эришиш тадбирлари кўрилмоқда. Бу йилдан бошлаб хўжаликни бошқаришнинг янги механизмини жорий қилишда янги босқич бошланади. Бинокорларнинг меҳнатига ўзлаштирилган маблағлар ҳажмига қараб эмас, балки буюртмачиларга тўла қуриб топширилган объектлар ва янги қувватларнинг тугалланганлигига қараб баҳо берилади. Бу талаб бинокорлик ташкилотлари колпективлари зиммасига иш сифатини янада яхшилаш, меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш масъулиятини юклайди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қурилиш ишлаб чиқариши билан янада яқиндан бўлишлари, илғор тажрибаларни — бригада пудратини, ҳамкорликда ишлашдан иборат «ишчи этафетаси» ҳаракатини, қурилиш-монтаж ишларида меҳнат ва сифатни таъмин этадиган бошқа тажрибаларни кенг ёйиш билан чуқур шуғулланишлари лозим.

Кўзда тутилган бунёдкорлик ишларини тўла адо этмоқ учун бинокорлик конвейерининг барча бўғинлари — лойиҳачилар, материал етказиб берувчи корхоналар коллективлари, қурувчилар, монтажчилар ва ишга туширилаётган корхонадан фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиши керак. Ўтган йили қўлга киритилган бу соҳадаги энг яхши ишларни янада такомиллаштирган ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш зарур.

Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун дастлабки кунларданоқ юксак суръат, намунали меҳнат интизоми барқарор бўлиши керак. Ана шунда партия XXVI съезди топшириқларини бажаришга бинокорлар қўшадиган ҳисса салмоғи ортади.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҚИШКИ ВАХТАДА

Сирдарё область Ворошилов районидаги «Гулистон» совхози пахтакорлари ўтган йилни яхши якунладилар. Ҳақли равишда дала гвардиячилари деб ном олган шонли механизаторлар чинакамига жасорат кўрсатиб ишладилар. Қабул пунктларига топширилган «оқ олтин»нинг асосий қисми агрегатлар бункеридан тўкилди.

Совхоз пахтакорлари ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қиш фаслини қизғин иш палласига айлантириб, меҳнат қилаётган механизаторларнинг қўли-қўлига теглмайди. Ҳамма жанговар вахтада туриб ишламоқда. Натюжа чакки эмас. Шу кунгача 43 та ҳайдов трактори, 48 та чопиқ трактори сифатли ремонтдан чиқарилди. Айни пайтда 32 та экиш агрегати, 14 та чизель, 360 та борона ҳам шайлаб қўйилди.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, дейди халқимиз. Бу нақлга амал қилаётган механиклар, слесарлар ишда сифатга алоҳида эътибор беришаётир. Ҳар бир агрегат ремонтдан чиқарилгач, қайта-қайта синовдан ўтказилмоқда. Мутахассислардан иборат тузилган сифат комиссияси ҳар бир агрегатни синчковлик билан кўздан кечириб чиқаяпти. Суратларда: илгор механизатор Усмонқул Азимов (юқорида). У агрегатларни ремонт қилишда ҳамкасбларига ибрат кўрсатмоқда. Пиқ эса ремонтдан чиқарилиб, мавсумга шайлаб қўйилган агрегатлар.



А. Тўраев фотолари.

ШАХТЁРЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

КЎМИР САНОАТИ ИШЧИЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ XIII СЪЕЗДИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ — КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИ УЧАСТКА БОШЛИҚЛАРИ ВА БРИГАДИРЛАРИНИНГ СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ТАРМОҚНИНГ БАРЧА ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

КПСС XXVI съездининг қарорларида мамлакат кўмир саноатининг меҳнаткашлари олдига катта вазифалар қўйилган. 1985 йилда 775 миллион тонна кўмир қазиб чиқариш зарур. Шу топшириқни бажаришни таъминлаш учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шахталарни техника билан қайта куроллантириш, очиқ усулда кўмир казишни ривожлантириш тўғрисида, шунингдек кўмир саноати ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳакни кўпайтириш ва такомиллаштириш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилдилар.

Қабул қилинган ҳужжатлар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўмир саноатини ривожлантириш, шахтёрлар меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётганликларининг далилидир. Шу ҳужжатларга жавобан кўпгина шахтёрлар коллективлари ўн биринчи беш йиллик биринчи йили — 1981 йил планини муддатидан илгари бажарди. Участкалар ва минг тонначи бригадаларнинг коллективлари ҳамда шахталар, разрезлардаги, тармоқнинг бошқа корхоналаридаги уларнинг издошлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев минг тонначилар ҳаракатини меҳнатга амалдаги коммунистик муносабат деб таърифлади.

1981 йилда 420 бригада ва участка кўмир забойидан суткасига 1000 тонна ва ундан кўп кўмир казиб чиқарилишини таъминлади, шулардан 80 таси бир йилда 500 минг тонна ва ундан кўп кўмир казиб чиқарди.

Бригада ва участкаларнинг 8 коллективи меҳнатда улкан муваффақиятларга эришди, буларнинг ҳар бири 1 миллион тоннадан кўп кўмир казиб чиқарди, шулардан М. П. Чих, К. С. Маркелов, П. И. Фролов ва П. А. Ермаков бошчилигидаги 4 та коллектив ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган кунинг 75 йиллигигача миллион тоннали маррага етди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий этиш, кончилик техникасидан самарали фойдаланиш, юксак профессионал тайёргарлик, меҳнат интизоми ва технология интизомига риоя этиш туфайли, участкалар ва шахталар партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва инженер-техник ходимларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли шу муваффақиятларга эришилди. Бу коллективларда комбайнлар иш билан банд бўлган соф вақт, 1 суткада ўрта ҳисобда қазиб чиқарилган кўмир ва меҳнат унумдорлиги тармоқдаги ўртача кўрсаткичдан 2—3 баравар юқоридир.

Шу билан бирга кейинги вақтларда кўмир саноати кўмир қазиб чиқариш юзасидан план топшириқларини бажармаётганлиги бизни ташвишлантирмай қололмайди. Ўтган йили кўпгина участкалар ва шахталар планни уддалай олмади. Комплекс механизациялашган забойларда ишда юксак натижаларга эришолмаётган бригада ва участкаларнинг коллективлари борлиги, кейинги вақтларда минг тонначи коллективлар сони камайиб кетганлиги, шу коллективларнинг сони юзасидан белгиланган топшириқ бажарилмаётганлиги бу аҳволнинг сабабларидан биридир. Янги кўмир забойлари ўз вақтида тайёрлаб берилмаётганлиги, механизациялашган комплекслардаги монтаж ва демонтаж ишлари чўзиб юборилаётганлиги, кон йўлларида, машиналар ва механизмларда аварийлар учраб турганлиги сабабли «минг тонначилар» ҳаракати ривожланмай турибди. Иш вақти кўпинча бекор ўтмоқда.

Илғор бригадалар, участкалар ва шахталарнинг иш тажрибалари ҳар бир иш жойида, ҳар бир меҳнат коллективида кўмир казиб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари борлигини кўрсатади.

1982 йилда мамлакатимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Шу юбилей йилида тармоқ шахтёрлари 721 миллион тонна кўмир ва 35 миллион тонна сланец қазиб чиқаришлари, меҳнат унумдорлигини оширишлари ҳамда бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашлари керак.

Бунинг учун тармоқнинг серунум кончилик техникаси билан, зарур моддий ресурслар ҳамда малакали ишчи ва мутахассис кадрлар билан таъминланган замонавий шахталари ва разрезлари бор.

Шу имкониятлардан тўла фойдаланиш ўз-ўзидан бўлавермайди. Бунинг учун ҳар бир иш жойида жамики кучқувватларни сарфлаб зарбдор меҳнат қилиш, социалистик мусобақани кенг кўламда ривожлантириш, меҳнатни яхшироқ ташкил этиш ва унинг унумини юксалтириш, меҳнат интизомини ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, хуллас самаралироқ ишлаш зарур. Мана шу талаблар КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларидан. ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидаги йўл-йўриқлар ва хулосалардан келиб чиқади.

(Давоми иккинчи бетда).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН. 7 январь. (ЎзТАГ). Бугун Андижон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия ташкилотининг чорвачиликни жадал ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини муҳонама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов доклад қилди. Пленум ана шу муҳим соҳани янада юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми томонидан қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган тадбирларни белгилади.

КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари, таклифларини кўриб чиқиш ва меҳнаткашларни қабул қилишни яхши йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган учинчи, тўлатилган ҳужжатлар тўплами «КПСС ташкилий-партиявий иши масалалари» деб аталади. Бу китоб КПСС XXIII, XXIV, XXV ва XXVI съездлари қарорларини тўла ва уларнинг айрим қисмларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу съездларда қилган докладларининг тегишли бўлимларини, партия Марказий Комитети Пленумлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Секретариатининг ташкилий-партиявий масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини ўз ичига олади.

Тўпламни КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими босмага тайёрлаган. Тўплам И. В. Капитоновнинг умумий таҳрири остида нашр этилди.

(ТАСС).

ЮКСАК МАРРАЛАР

КПСС XXVI СЪЕЗДИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1982 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кам чиқим қилиб яхшироқ ишлаш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 25 декабрь куни бажарилади. Қўшимча равишда 350 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 10 мингта лаган, 20 мингта чойнак, 100 мингта коса тайёрланади.

Истеъмолчиларнинг юқори сифатли ва ноёб бадиий буюмларга бўлган талабларини ҳисобга олиб, 1982 йилда ишлаб чиқаришга бешта янги гулли чинни маҳсулоти жорий этилади, давлат Сифат белгиси қўйилган буюмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади ва у ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жами ҳажмининг 20 процентига етказилади.

Ишлаб чиқаришни ва иш сифатини инженерлик жиҳатдан таъминлаш комплекс планини амалга ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларини янада ривожлантириш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш тошириги 20 процент ошириб адо этилади ва шу йўл билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши таъминланади.

Ишчилардан 300 кишининг малакаси оширилади ва уларга турдош касблар ўргатилади.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳолатини ошириш мақсадида 20 та янги машина-ускуна ўрнатилади, ишлаб турган иккита машина-ускуна янгиланади, иккита янги, механизациялашган поток линия, шу жумладан, битта линия пиёлаларни қолиплаш ва қуритиш цехида ва иккинчиси косани пардозлаш ва пиширш цехида ишга туширилади.

Бир йилда 150 минг киловатт-соат электр энергияси, 200 тонна шартли қозонпечь ёқилғиси тежалади ва шу тариқа бир йилда 5 кун тежалган энергетика ресурслари ҳисобига ишланади.

Коллективни социал ривожлантириш планини амалга ошира бориб, Бўстонлиқ районидаги дам олиш зонасида 200 ўринли пионер лагери ташкил қилинади.

Завод коллективи республика енгил саноатининг барча ходимларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга, халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ва ўн биринчи беш йиллигининг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этади.

УШБУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ЗАВОД МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

— «Санта Гертруда» зотли қорамолнинг ҳар бошидан 1.200 килограмм, ҳатто ундан кўпроқ тош босяпти, — дейди **совхоз бош зоотехниги Маматқул ҚУНУШОВ,** — Жиззах ва бошқа областларнинг ҳужаликларига ҳар йили 50—60 бош шу зотга мансуб новвослар ҳам сотяпмиз. Жайдари қорамолларнинг тош босими ҳам чакки эмас. Ўртача 420—430 килограммни ташкил этмоқда.

Ҳозир совхозимизда 5.980 бош қорамол, шу жумладан 1.625 бош сигир бор. Қўйлар сони салкам 8 минг бошга, она чўчқалар 90 бошга, йилқилар 372 бошга етказилди. Хуллас, чорва моллари барча турлари сонини кўпайтириш планлари ортиги билан бажариляпти.

Совхоз коллективи ўтган хўжалик йилини қандай якунлади, деган савол туғилади. Давлатга пландаги 782 тонна ўрнига 800 тонна юқори сорт гўшт топширилди. Сут, жун тайёрлаш топшириқлари ҳам ортиги билан адо этилди. Енгил саноатга 16 тоннадан знёд энг қимматбаҳо жун жўнатилди.

— Бундай ютуқларнинг сири нимада деб сўрашлари мумкин, — суҳбатга қўшилди **партия комитетининг секретари Санақул Бегалиев,** — Чорвадорларимиз, хусусан коммунистларимиз ўн биринчи беш йиллик вазифаларини тўла тушуниб етдилар. Маҳсулотларни кўпайтириш тақдири ўз қўлларида эканини англаб, янги уфқлар сари парвоз этмоқдалар. Социалистик мусобақа уларга қанот бахш этяпти.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, совхозимизда ердан, техникадан фойдаланиш яхшиланди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Илгари иш ҳақи меҳнат унумдорлигидан ўзиб кетарди. Энди меҳнат унумдорлиги биринчи ўринга чиқиб олди. Натижада маҳсулотлар ҳам, иш ҳақи ҳам кўпайяпти.

Қорамолчилик фермасининг мудири Неъмат Назаров айрим рақамларни тилга олиб, бундай деди: — бундан бир неча йил муқаддам қорамолларнинг ҳар бошини 450—460 килограммга етказамиз дейилса, ишонмас эдик. Эндиликда шунга эришдик. Ҳатто бу рақамлар қаноатлантирмаяпти. 500—550 килограммлик маррани нишонга оляпмиз. Фермамиз бултур тайёрлов ташкилотларига 145 тонна гўшт топширди. 1982 йилда қорамолларни семиртириш ҳисобига янада улканроқ самарадорликка эришиш учун курашяпмиз.

Муртазо Абдуқодиров бригадаси аъзолари қорамолларни семиртириш йўли билан пландаги 93 тонна ўрнига 106 тонна гўшт тайёрлади. Ундан келгусидаги режаларингиз қандай деб сўраганларида уста чорвадор шундай жавоб берди:

— Халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган талаби ошяпти. Бу талабни тўлароқ қондириш биз, чорвадорларнинг зиммамизга юклатилган. Ишончни ҳалол меҳнат, маҳсулотларни кўпайтириш билан оқлашимиз керак. 106 тонна гўшт тайёрлаган бригадамиз аъзолари бу рақамни 150 тоннага етказишлари ҳам мумкин ва лозим.

Совхоз директори Абдувойид Усанов коллектив фикрини ифодалаб бундай деди:

— Ўтган йилни яхши якунладик. Кутилганча маҳсулотлар тайёрладик ва уни давлатга топшириб, катта даромад олдик. Лекин 1982 йилнинг вазифалари янада улканроқ эканини айтиб ўтмоқчимаман. Бу йил қорамоллар умумий сонини 6050 бошга етказишимиз керак. Бошқа хўжаликларга сотилаётган зотдор моллар, хусусан «Санта Гертруда» зотли қорамоллар бу ҳисобга кирмайди. Сигирлар сони 1650 бошни ташкил этиши лозим. Қўйлар, чўчқалар, йилқилар ва бошқа турдаги чорва моллар сони ҳам кўпайтирилиб, маҳсулдорлиги кескин оширилади. 1000 тонна гўшт тайёрланиб, 800 тоннаси давлатга сотилади.

Совхоз коллективининг янги йил мажбуриятларини Зафмал район партия комитетининг биринчи секретари Арслон Ҳакимов шарҳлайди:

— «Бахмал» совхози районимизнинг йирик чорвадор ва галлакор хўжаликларидан бири ва машъали. Хўжалик ўнинчи беш йилликда ҳам, ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йилида ҳам маҳсулотлар тайёрлашда барча хўжаликларимизга карвонбошилик қилиб келди. ҳозирда ҳам шундай. Коллективнинг мажбуриятлари реал бўлиб, тўла ва ошириб бажариш учун барча имкониятлар бор. Район партия комитети бу борада ҳамиша ёрдам бериб келди, бундан кейин ҳам ёрдам бераверади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари, қунар-техника таълими ўқувчиларининг XVI Бутуниттифоқ спартакиадасида юксак спорт кўрсаткичларига эришганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан Фарғона область Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Тўлқин Ғаниевич **Жалиловга,** Тошкент шаҳридаги 170-техника билим юртининг тренери, ўқитувчи ўртоқ Эдвард Иосифович **Колосовскийга,** Ўзбекистон республика Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Зинаида Павловна **Корнякка,** Ўзбекистон республика Совети таълим-спорт бўлимининг бошлиғи ўртоқ Бери Михайлович **Милейковскийга,** Тошкент шаҳридаги 63-ўрта ҳунар-техника билим юртининг жисмоний тарбия раҳбари ўртоқ Қабанбой Амриевич **Ногербековга,** Ўзбекистон республика Советининг тренери ўртоқ Тоҳир Халиқбердиевич **Солиховга** ва Тошкент область Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Уктам Холматович **Турдиалиевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими» фахрий унвони берилди.

«Меҳнат резервлари» Бутуниттифоқ кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон республика Совети спортчилари ва ходимларининг бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

ШАХТЁРЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

(Боши биринчи бетда)

Азиз ўртоқлар!

Биз, кўмир қазиб чиқарувчи участкалар ва бригаларининг раҳбарлари — кўмир саноати ишчилари касаба союзи XIII съезднинг делегатлари коллективларимизнинг 1981 йилги иш якунларини ҳамда бу йилга белгиланган вазифаларни муҳокама қилиб, имкониятларимизга реал баҳо бериб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилиб, 1982 йилда зиммамизга қўйидаги социалистик мажбуриятларни олдик:

Н. Н. Скрипник бошчилигидаги бригада («Ровенькиантрацит»га қарашли Фрунзе номли шахта бошқармаси) бир йилда камида 1 миллион тонна кўмир қазиб чиқаради;

М. П. Чих («Ростовуголь»га қарашли «Майская» шахтаси), И. И. Стрельченко («Донецкуголь»га қарашли «Трудовская» шахтаси), В. И. Игнатьев («Красноармейскуголь»га қарашли «Краснолиманская» шахтаси), Ж. Игибаев («Карагандауголь»га қарашли «Михайловская» шахтаси), Ю. П. Бронников («Воркутауголь»га қарашли «Северная шахтаси), В. Г. Девятко («Южкузбассуголь»га қарашли «Распадская» шахтаси), А. Ф. Пэт («Эстонсланец»га қарашли «Эстония» шахтаси), Г. Н. Смирнов («Гидроуголь»га қарашли «Юбилейная» шахтаси), Е. М. Болдирев («Новомосковскуголь»га қарашли «Подмосковная» шахтаси) бошчилигидаги бригадалар ва участкаларда бир йилда 500 минг тоннадан ва ундан кўп кўмир (сланец) қазиб чиқарилади;

А. И. Беликов («Макеевуголь»га қарашли Бажанов номли шахта), С. К. Тўқимтаев («Карагандауголь»га қарашли Горбачев номли шахта), В. И. Черник («Добропольеугольга қарашли «Новодонецкая» шахтаси), В. П. Пятаков («Ростовуголь»га қарашли «Мирное» шахта бошқармаси), И. Д. Яворский («Донбассантрацит»га қарашли «Хрустальская» шахтаси) бошчилигидаги бригадаларда бир кечакундузда 1000 тоннадан ва ундан кўп кўмир қазиб чиқарилади.

Мажбуриятларимизда машина-ускуналарни социалистик мулк сифатида сақлашга қабул қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор тажрибаларни жорий этиш, технология интизоми ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, қолоқ коллективларга ёрдам бериш ҳам кўзда тутилади.

1982 йилга социалистик мажбуриятлар олар эканмиз, участкалар ва шахталардаги кўмир забойи кончи ишчиларининг барча бригадаларига, кончи мастерлар ва инженер-техник ходимларга мурожаат этиб, ҳар бир комплекс механизациялашган забойда бир кеча-кундузда камида 1000 тонна кўмир (сланец) қазиб чиқарилишига, юпқа қатламлар ва тик қатламларда эса камида 500—700 тонна кўмир қазиб чиқарилишига эришишга, барча сменалар, бригадалар ва участкалар кўмир (сланец) қазиб чиқариш юзасидан план топшириқларини ҳар куни ошириб бажаришини таъминлашга эришиш учун мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга даъват қиламиз.

«Минг тонначилар» коллективларини комплекс механизациялашган забойларда ишлаётган бригадаларга ўз тажрибаларини ўргатишга ва уларга оталиқ ёрдами кўрсатишга даъват қиламиз.

Проходкачилар бригадаларига, тайёргарлик участкаларининг барча ишчилари ва инженер-техник ходимларига мурожаат этиб, кон йўлларини қазиш суръатларини ошириш ва янги кўмир забойларини ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш учун социалистик мусобақага актив қўшилишга даъват қиламиз.

Шахта ички транспортининг ишчилари, кон мастерлари ва участка раҳбарларига мурожаат этиб, кўмир қазийдиган ва кон йўлларини очадиган бригадаларни бўш вагонлар билан тўхтовсиз таъминлаб туришга, материал ва машина-ускуналарни забойларга ўз вақтида етказиб беришга, ер ости транспорти ҳамма турлари нухталига ва бир маромда ишлашини юксалтиришга даъват қиламиз.

Машинасозлар ва илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик институтлари ходимларига мурожаат этиб, янги кончилик машиналари ва механизмларини ишлаб чиқишни ҳамда уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тезлатишга, механизациялашган комплекслар ва уларга запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, кон, шахта, машина ускуналари сифати ва пухталигини яхшилашга даъват қиламиз.

Кўмир саноатида ишлаётган комсомол-ёшлар коллективларига, барча комсомолларга ва ёшларга мурожаат этиб, янги кончилик техникасини тобора матонат билан ўзлаштириб боришга, профессионал маҳоратни юксалтиришга, техник ва иқтисодий билимларни, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини ва методларини активроқ эгаллаб боришга даъват қиламиз.

Тармоқдаги ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи 1982 йилги план ва социалистик мажбуриятларни бажаришга кучқувватларини моҳирлик ва матонат билан сарфлайверади деб ўз коллективларимизнинг номидан ишонч билдирамиз. Халқ хўжалиги ва аҳолининг ёқилғига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш шахтёрлик бурчимиздир.

ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ

✦ ХАРЬКОВ. Киров номидаги Харьков заводи коллективи Озарбайжонда қурилаётган Шамхор ГЭСига аталган биринчи турбинанинг муддатидан илгари йиғиб тайёрлади. Унинг қуввати 200 минг киловаттга боради. Корхонанинг «ишчи эстафетаси» принципига мувофиқ мусобақада актив қатнашаётган меҳнаткашлар келаси йилги Қирғизистон ва Озарбайжонда ишга туширилиадиган ГЭСлар учун муддатидан илгари турбиналар тайёрлаб беришни мўлжаллаб кўйди.

✦ НАРВА (Эстония ССР). Балтика бўйи ГРЭСида ишлатилган иссиқ сувдан фойдаланиш бошланди. Бу ерда балиқчилик хўжалиги барпо этилди. Унинг биринчи навбати бир йилда минг тонна зогора балиқ ва 500 тонна хонбалиқ етиштиришга мўлжалланган. Балтика балиқ хўжалиги илмий тадқиқот институтининг мутахассислари ўнлаб ҳовузлардан иборат комплексни яратишда энергетикларга ёрдам бердилар.

✦ КИЕВ. Украина пойтахтини ва тинч билан таъминлаб турувчи «Московский» совхозида ҳозир согилаётган сут ёзги даражада бўлмоқда. Тажрибали операторлар қарамогидаги сигирларнинг ҳар бири бир кунда 17—19 килограммдан сут бермоқда.

✦ КОТЛАС (Архангельск области). Керамзит бетон буюмлари заводи ишга тушди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган панелларидан Новоратупрок зона меҳнаткашлари учун уйжойлар қурилади. Корхона бир йилда мингта квартира тайёрлаб чиқара олади.

✦ ХАРЬКОВ. Чугуев ва Готвальд районларида «Урожай» суғориш системаси фойдаланишга топширилди. У 3,5 минг гектар ерни суғоради. Беш йиллик охиригача муқим суғориш майдони областда юз минг гектардан ошади.

◆ ХААПСАЛУ (Эстония ССР). Эстонияда хўжаликлараро озуқа заводларини қуриш авж олдирилиб юборилди. Бугун Хаапсалу районидаги «Сипрузе» колхозида шундай корхона маҳсулот чиқара бошлади. Корхона бир йилда витамин ва микроэлементлар билан бойитилган 15 минг тонна озуқа тайёрлаб чиқаради. Республиканинг барча агросаноат корхоналарида озуқа заводларини қуриш мўлжаллонади.

✦ ОДЕССА. Одесса темир йўлининг ходимлари учун санаторий-профилакторий қурилди. Бир йўла 320 кишини қабул қилишга мўлжалланган 12 қаватли комплексда даволаш ва дам олиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ҳозир областдаги ҳамма корхоналар ва қишлоқ ташкилотлари ўз шифохонаси ва дам олиш базаларига эга. (ТАСС).

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Мавжуда Файзиева янги йилнинг дастлабки меҳнат ҳафтасидаёқ ярим ойлик топшириқларни ошириб адо этди. Суратда: мусобақа пешқадами М. Файзиева.

А. Тўраев фотоси.

Партия турмуши

ЖАНГОВАРЛИК КЎРИГИ

Партия группалари, цех ва камсомол партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунланди. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқлар бу йиғилишларнинг мазмунини белгилаб берди. Коммунистлар йилнинг бош йиғилишларида КПСС XXVI съезднинг мамлакат иқтисодий потенциалини кўпайтириш ва халқ хўжалигида самарадорликни ошириш йўли муваффақиятли бажарилаётганлигини қонуниш билан таъкидладилар.

Барча йиғилишлар ўюшқоқлик билан, эришилган натижаларни талабчанлик билан таҳлил этиш руҳи остида ўтди. Партия группаларидаги йиғилишларга улар ҳисобида турган коммунистларнинг 97,8 проценти қатнашди. Ҳар уч коммунистнинг иккиси сўзга чиқиб, коллективда ишни яхшилашга қаратилган фойдали таклифларни ўртага ташлаш, танқидий мулоҳазалар билдирди. Цех партия ташкилотларининг йиғилишлари ҳам ана шундай ишчанлик ва ўюшқоқлик билан ўтди. Камсонлик бошлаётган партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида улар ҳисобида турган коммунистлар ва партия аъзолигига кандидатларнинг 97,5 проценти қатнашди. Музокараларда уларнинг 41,5 проценти иштирок этиб, партия ташкилотининг хўжалик вазифаларини ҳал этиш, сиёсий-тарбиявий ишларини янада яхшилашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирди.

Коммунистлар бошланғич партия ташкилотларининг партия, хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишдаги роли ва жанговарлигига тобора ошиб бораётганлигини қониқиш билан қайд қилишди. Партия бўғинларининг меҳнат коллективи сиёсий негизи сифатидаги роли ошмоқда. Улар КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс тадбирларни ҳисобот даврида начор ва самарали амалга оширмоқдалар. 1981 йил ва, умуман, ўн биринчи беш йиллик планларини бажаришда ҳар бир коммунистнинг тажрибаси, куч-гайрати, ташаббускорлигидан тобора кенгроқ фойдаланишга интилдилар.

Партия ташкилотларининг маъмуриат фаолияти устидан назорати яхшиланди. Ҳозирда бу масалалар билан 60 минг коммунистни бирлаштириб турган 13 мингдан кўпроқ комиссия шуғулланмоқда. Партия ташкилотлари кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш, интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш, социалистик мусобақани ташкил этишга тобора кўпроқ куч-гайрат сарфлайдиган бўлиб қолди.

Бу йиғилишлар кўпгина ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб бераётган коммунистларнинг авангардлик ролини ёрқин ифодалади. Минглаб участкалар, бригадалар, фермалар, меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ошириб бажариш умум Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилдилар. Уларнинг аксарияти «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Республикамизда тошкентликларнинг «Қолоқларсиз ишлаймиз!» ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бу беш йилликнинг биринчи йили давлат планлари муваффақиятли бажарилишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Андижон области, Олмалиқ, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидаги бошланғич партия ташкилотлари қурувчилар ва монтажчилар коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни йўлга қўйишнинг ибратли тажрибасини тўплашди. Ўзбек капитал қурилишнинг аҳволини яхшилашга тобора самарали таъсир кўрсатмоқдалар. Ўтган йили В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатида, Косон ёғ-экстракция, Чирчиқ сут заводларида, Жиззах ўйсозлик комбинатида янги қувватлар ишга туширилди. Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатларининг янги филиаллари муддатидан олти ой илгари фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалиги учун ноқулай келган шароитларда республика «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда партия қўйи бўғинларининг ташкилотчилик роли айниқса яққол намоён бўлди. Бухоро, Жиззах, Тошкент, Хоразм областларининг меҳнаткашлари, барча пахтакорлар йилни муваффақиятли якунлашларида қатъиятли партиявий раҳбарликнинг услуб ва методлари ҳар томонлама синчковлик билан қараб чиқилди.

Чуночи, Андижон областидаги Пойтоқ пахта тозалаш заводи партия ташкилоти меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, муваффақиятли амалга ошириб, Натижада камсонли бу коллектив пландан ташқари 690 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга эришди.

Йиғилишларда партия сафларини мустаҳкамлаш ва коммунистларни тарбиялаш, идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Бир қатор мажлисларда корхоналар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари адресига улар меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш борасида зарур чоралар кўрмаётганликлари учун ҳақли эътирозлар билдирилди, танқидий мулоҳазалар айтиб ўтилди. Хоразм области коммунистлари пахта етиштириш учун бошқа зоналардагига қараганда кўпроқ ҳаражат сарфланаётганини кўрсатиб ўтишди. Бироқ, пахтанинг харид нархларини белгилаш чоғида бу хусусият ҳисобга олинмаётир. Шу муносабат билан СССР Госплани, СССР Нарх давлат комитети ва бошқа органлар область хўжаликларини давлатга пахта сотиш юзасидан юқорироқ харид нархи белгиланадиган биринчи зона хўжаликлари қаторига киритиш масаласини қараб чиқишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Қашқадарё областида ўтган партия йиғилишларида коммунистлар СССР Газ саноати, Энергетика ва электрлаштириш министрликларини Муборак иссиқлик электр маркази суст қурилаётганлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигини қўриқ совхозларда уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилишига етарли эътибор бермаётганлиги учун танқид қилдилар. Чирчиқ шаҳрининг ишчилари СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги эътиборини «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида зararли газларни ҳавога чиқариб юборишни камайтириш юзасидан амалий чораларни кўришга қаратдилар. Ҳозирги пайтда партия органлари коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари, таклиф ва илтимосларини таҳлил қилиб, умумлаштириш асосида кўрсатилган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Йиғилишларда партия ташкилотларининг раҳбар органларини сайлаш ўюшқоқлик билан ўтди. Етмиш коллективда муайян нуфузга эга бўлган коммунистлар партия ташкилотлари етакчиларига сайландилар.

Йиғилишларга ҳамма ерда пухта тайёргарлик кўрилди. Уларни тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари ва ревизия комиссияларининг аъзолари, партия аппарати ходимлари иштирок этдилар.

Ҳисобот-сайлов кампаниясининг якунловчи босқичида КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезднинг коммунистлар авангардлик ролини оширишга ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушдаги активлигини ривожлантиришга оид қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Партия комитетлари мана шу қарор асосида ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистларнинг авангардлигини кучайтириш хусусида қизғин фикр олишув ва муҳокама юритилишига эришдилар. Улар партия аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг авангардлик ролини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия қўйи бўғинлари жанговарлигини, улар ўз фаолиятларини КПСС XXVI съезди талабларига мувофиқ равишда муттасил активлаштириб бораётганликларини, омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни қатъият билан йўлга қўяётганликларини яна бир бор кўрсатди.

Бригада пудрати—қурилиш қудрати

ҒОЛИБЛИК ЙЎЛИ

ЕХУД «ЎЗБЕКШАХТОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

КПСС XXVI съездида тасдиқланган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да, жумладан, шундай дейилади: «Инженерлик тайёргарлиги ва комплектацияси даражасини ошириш негизида ҳамма жойда турдош поток бригада пудрати ёйдириш учун шарт-шароитлар яратиб берилсин». Съезд йўл-йўриқларидан кўриниб турибдики, янги усулни жорий этиш ушлуксиз равишда, объект қурилишида қатнашаётган барча коллективларни қамраб олган ҳолда амалга оширилиши, ҳар бир бригада учун уларнинг зиммага олинган мажбуриятларини шараф билан адо этишларини таъминловчи шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур. Бригада пудратини қўлланишни қурилишни бошқариш, планлаштириш ва ташкил этишни такомиллаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим. Бу соҳада Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзбекшахтострой» трести коллективи тўплаган тажриба диққатга сазовордир.

Мазкур трестда бригада пудратини жорий қилиш масаласи билан тўққизинчи беш йилликдаёқ шуғуллана бошлаган эдилар. Ушанда дастлабки қадамлар самараси яққол сезилди. 1976 йилда ўн битта бригада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин усулини ўзлаштирган бўлса, 1979 йилда бундай коллективлар сони 45 тага етди. «Ўзбекшахтострой» трести коллективи 1980 йил иш якунларига кўра, бригада пудратини оммавий равишда қўлланиш бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқди. Ҳозир ушбу трест базасида Бутуниттифоқ илғор тажрибалар мактаби муваффақиятли ишлаб турибди.

Ангренликлар меҳнатни ташкил қилишнинг бу янги шаклини ўн биринчи беш йилликда янада ривожлантиришга аҳду паймон этганлар.

Шуниси характерлики, трест бригадалари бошданоқ меҳнатни ташкил этишнинг бу формасини гарчи бироз хавотирланиб, аммо қизиқиш билан қабул қилган эдилар. Хавотирлик: янги усулда ишлашга ўтган бригадаларга бошқа бўлималарнинг ҳисобидан енгиллик берилади, трест ва унинг бўлинмалари бригадаларни янгича ишлашга ўтказиш топшириқларини уддалай олмайди ва натижада шартномадаги шартларни бардош қилади, деган мулоҳазалардан иборат эди.

Аммо хавотирланишнинг бошқа жиҳатлари бор эди. Агар йиллик планлар охиригача узил-кесил ишлаб чиқилмаган, йил давомида улар ўзгариб турадиган иш ҳажми масаласида ҳисобкитобсиз қарорлар қабул қилинадиган бўлинса, шубҳасиз, бундай аҳволда бригада пудратини жорий қилиш қийин, тўғрироғи, мумкин эмас эди. Бутун трест кўламида бригада пудрати оммавий равишда ва самарали жорий қилинганининг сири шундаки, унга объектларни қуришга инженерлик жиҳатдан тайёрлаш, бригадаларни иш билан таъминлашни оқилона планлаштириш, уларни моддий-техника ресурслари билан бир маромда таъминлаш туфайли эришилди. Трест барча бўлимлари ва хизматчиларининг фаолияти планни ишлаб чиқишдан то объектларни фойдаланишга топширишгача бўлган даврда бригада пудратини самарали жорий қилиш учун керакли шароитларни яратишга бўйсундирилди.

— Биз ўз фаолиятимизда, — дейди трест бош инженери К. Зубов, — хужжатларни қабул қилишга катта эътибор берамиз. Ҳар бир объект бўйича тузилган ишчи чизмалари ва сметаларни биз трестда ёрдамчи пудратчи ташкилотлар вакилларини, трест ва унинг бўлинмалари етакчи мутахассисларини, албатта, жалб қилган ҳолда муҳокама этамиз. Принципиал масалалар бўйича эса қарорни трест ҳузуридаги техника кенгаши чиқаради.

Трестда бригадаларни кичик механизация воситалари — ҳар хил асбоблар ва мосламалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Беш механик бўлими ва кичик механизация участкаси бригадаларни зарур жиҳозлар билан бутлашни ҳамда уларни ремонт қилиш ва тиклашни ташкил этишти. Шунисқ қувончлиқи, Ангренда бригадаларни кичик механизация воситалари билан тўла-тўкис бутлашчи 1983 йилда тугаллашга қарор бертанлар.

Бригада пудратини муваффақиятли ва самарали татбиқ этишда қурилиш бригадаларини материаллар, буюмлар ва конструкциялар билан аниқ маромда таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунга ҳафталик-суткалик планлаштиришнинг аниқ йўлга қўйилганлиги имкон берянти. Материаллари объектларга етказиб бериш графиги шундай планлаштириш асосини ташкил қилади. Шу мақсадда ангренликлар ишлаб чиқариш-технология комплектацияси бошқармаси фаолиятини қайта кўриб чиқдилар. Ҳозир унинг таркибига бошқа бўлинмалар қатори комплектлаш ва оператив масалалар бўлимлари киритилганки, улар объектларга таъминот графигига мувофиқ зарур материалларни ўз вақтида жўнатиб турибди.

Яна бир мисол. Трестда съезд қарорларидан келиб чиқиб, материалларни контейнерлар ва пакетларда ташиш борган сари кўпроқ оммалашяпти. Цемент, керамзит, алебастр, кошинлар, шиналар ва бошқа хил бинокорлик материалларининг ушбу илғор усулда ташиладиган катта иқтисодий наф бермоқда. Автобаза трестни автоконтейнерлар билан таъминламоқда. Шу туфайли юкларни ортиш-туширши жараёнларида меҳнат сарфи кескин камайди. Контейнерлар ва пакетларда юкларни ташиш, кўл меҳнати салмоғини камайтириш эвазига йилига 5000 киши-куни тежалди. Айни пайтда хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда материалларни иқтисод қилиш топшириқлари ошириб бажарилди.

Бригадаларни бинокорлик материаллари билан таъминлашни яхшилаш ҳамда ҳафтанинг иш кунларида қурилишларда механизмлардан оқилона фойдаланиш мақсадида трестда асосий материаллар ва конструкцияларни шанба кунлари келтириш йўлга қўйилган. Бу ҳам бригадаларнинг бекор туриб қолишини бартараф қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, механизмларнинг фойдали иш коэффициентини ўстиришни таъминлаётти. Бунда А. Зборовец, Д. Зазулин, Ю. Смолин, А. Аннамуродов, А. Рўзибоев, Я. Ляшен, Э. Шаль, Р. Фролова бошлиқ алобинчи бригадалар аъзоларининг ҳиссаси салмоқлидир. А. Аннамуродов ва Д. Зазулинлар етакчилигидаги бригадаларнинг пудрат усулини қўлланишдаги бой тажрибаси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилинди. Бу икки коллектив кўргазманинг мукофоти — «Москвич-412» автомобиллари билан тақдирланди. Ҳозирги кунда ташаббускор Д. Зазулин бригадаси беш йиллик марраларини дадил забт этмоқда. Беш йиллиқда ўн бир йил ҳажмидаги бунёдкорлик ишларини бажариш рекордини такрорлаш — ушбу коллективнинг жанговар шиоридир.

Трест кўламида бригада пудрати усулини муваффақиятли қўлланиш, шунингдек, кўп жиҳатдан меҳнат шароити ва қурувчилар маишатини яхшилаш, кадрларнинг коллективларда муқим қолишларини таъминлаш бўйича тадбирлар комплексининг изчил амалга оширилишига ҳам боғлиқдир. «Ўзбекшахтострой»да икки кунлик дам олиш уйи ва санаторий-профилакторий мунтазам суратда ишлаб турибди. Ердамчи хўжалик ташкил қилинган. Иссиқ таомларни қурилиш объектларига арзон нархларда етказиб бериш ташкил этилган. Булар коллективни социал ривожлантириш тадбирларининг бир қисми, холос.

Ангренда бригада пудратини қўлланиш ҳайридан қил суғурганлар осон кетяпти, десак хато қилган бўлур эдик. Тўғри. «Ўзбекшахтострой»да ҳам ҳал этилмаётган ташкилий масалалар, планлаштириш, моддий-техника таъминотида қийинчиликлар мавжуд. Трест коллективи бу нуқсонларни яхши билади ва уларни бартараф этиш учун сабот билан курашмоқда. Бу ерда муваффақиятларни мустаҳкамлаш билан бирга ўн биринчи беш йилликда бригада пудрати йўли билан жаъми қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 94—98 процентини бажариш учун ҳамма чоралар кўрилянти.

С. ПРЯСЛОВА.

«Узоргтехстрой» трести ахборот ва пропаганда бўлими бошлиғининг ўринбосари.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 30 декабрдаги фарманига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 415 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

Совет турмуш тарзи

ЎГИТЛАРИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Бир этак пахта териб эл хирмонига уймаган киши ўзини армонда ҳис этадиган йиғим-терим палласи. Дарсдан сўнг далага чиққан ўқувчиларнинг ортидан мактаб директори ҳам отланди. Тасодифни қарангки, ўқувчилари бу гал Турсунойнинг бригадасида пахта теришаётган эди. Этакларини биринкетин бўшатиб, яна пахтазор томон кетаётган болаларга директор пешвоз бораётиб, ҳормангмисан, деб кўяр ва атрофга қараб «зангори кема»ларда пахта тераётганлар орасидан кимнидир қидирарди.

— Ассалому алайкум, Убайдулла ака, — деган кўнгироқдек овоз эшитилди қаёндандир.

Қизиқ, овози бор-у ўзи йўқ, аланглади у ҳар томон.

— Мен бу ёқдаман, ҳозир тушаман, — деди яна ўша таниш овоз.

Директор «зангори кема» бункеридан пахта ағдараётган, соч-қўлларига чанг қўнган Турсунойни кўриб, қувониб кетди. Бир дам унга меҳр билан қараб турди. Улар районда бўладиган турли-туман йиғилишларда тез-тез учрашиб туришади. Лекин далада биринчи бор...

— Бу киши менинг устозим — ўқитувчим бўладилар, — деди Турсуной уларга чор-атрофдан қизиқиб қараб турган ҳашарчиларга қараб. Мени ўқитганларида сизларга ўхшаган кичкинагина қизалоқ эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди бир гаплари: меҳнатни сев, меҳнатнинг таги роҳат... Пахтага меҳр уйготиб, катта ҳаёт йўлига солиб юбордилар. — гапида давом этди машҳур пахтакор Охунова. — У кишининг насиҳатларига қулоқ солиб, кам бўлмадим. Сизларга айтадиган гапим шуки, укажонларим, ўқитувчининг ўгитлари олтинга тенг. Унга қулоқ тутинг...

Ўгитлари олтинга тенг... Турсунойнинг бу гаплари уйга бора-боргунча Убайдулла ака Ориповнинг қулоқлари остида жаранглаб тургандай эди. Руҳи кўтарилиб, қалбига аллақандай кўтаринкилик бахш этганди бу илиқ миннатдорчилик. Балки, Турсуной, деб қўйди у дилида. Унутмабди. Қай бир шогирди билан учрашмасин, ўқитувчиси ҳақида бол томиб гапиради. Ўз бахт ва иқболларини улардан кўради. Аслида, одамнинг ўзига кўп нарса боғлиқ. Ўқитувчи ҳаммага бирдек таълим беради, ҳамма ўқувчиларини яхши одам бўлиб, вояга етишини истайди Лекин бу ўгитни олган ҳам, олмаган ҳам бор. Олганларни кўрганда яйраб кетади. Ўтган умри, қилган ишларидан, хуллас, калом ўз-ўзидан қониқиш ҳосил қилади.

Таълим берган ўқувчиларини у бир-бир эслай бошлади: Турсуной, унинг синглиси Инобат Охунова, Киров номли колхозининг раиси Султон Шерматов, «Москва» колхозининг раиси А. Юсуповни ўйлаб, ҳузур қилиб жилмайди Республикага ва ҳатто ундан ташқарида машҳур бўлган бу ўқувчилари билан у фахрланади. Улар ҳақида ўқиганда, телевизорда уларнинг ишларидан лавҳалар томоша қилганда, худди ўз фарзандлари бахтидан кўнгли тоғдек кўтарилган отадек уйига сиғмай кетади.

Фарзандлар... Улар камолидан келадиган қувончнинг чеки йўқ. Убайдулла ака ўқувчилар муваффақияти билан қандай фахрланса, етти ўғил-қизи иқболидан ҳам шундай қувонади. Қизлари Муяссархон, Мавлудаой ота касбини эгаллашди. Улар ҳам ўқитувчи. Муаттар билан Муборак эса шифокор. Ўғиллари Асатулло тиш врачи, Абдулло—Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг аспиранти, Аваз-хон эса ТошМИ студенти. Моҳир педагог ўғил-қизларини ўқишга йўллади. Улар олий маълумотли бўлишди. Эл-юрт хизмати учун бутун куч-гайратларини бағишлаб, меҳнат қилмоқдалар.

Бундан бошқача бўлиши мумкин эмасди. Негаки, Убайдулла Орипов бугунги бахтли ҳаётимиз учун биринчи бўлиб курашганлардан. Бу доруломон замонни ширин орзу этган ота-боболаримизнинг вакили. Республикамизда саводсизликни тугатиш курсида дарс берди. Улуғ Ватан урушига кўнгиллилар қаторида биринчи бўлиб отланди. Урушдан қайтиб келгач, Тошкентдаги заводлардан бирида мастер бўлиб ишлади. Кейинроқ у яна севимли касби — педагоглик билан шуғуллана бошлади. Бир қатор мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва директор бўлиб ишлади. Ҳозир у Калинин районидаги 22-ўрта мактабнинг директори.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси У. Орипов қишлоқ Совети депутати сифатида ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширди.

Эл-юрт фаровонлиги, бахтли келажак учун ҳормай-толмай меҳнат қилиш унга ҳамма вақт илҳом бахш этади.

Раҳима МУҲСИМОВА.

Ёрдамчи хўжалик — кони фойда

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

Район матлубот жамияти ҳузурида ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай унинг номи тез-тез тилга олинадиган, ҳатто чорвадорлар орасида ибрат намунаси қилиб кўрсатиладиган бўлиб қолди. Бунинг сабаблари бор. Аввало, қурилиш-ободончилик ишлари бутун чоралар билан кучайтирилди. Қир-адирлардан тортиб олинган ташландиқ ерда 250 бош қорамол сақлашга мўлжалланган молхона, 800 бош қўй сиғадиган қўйхона, 5 та паррандахона, 90 минг жўжа очириш кўзда тутилган инкубатория қурилди. Қолаверса, чорва моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси ташкил қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад давлат ташкилотларидан концентрат маҳсулотлари олмасдан чорва моллари ёрдамчи хўжаликнинг ўзида етиштирилган озуқа билан боқиш; шу йўл билан кўп ҳамда таннархи арзон маҳсулотлар тайёрлашдир.

Биз қурилиш-ободончилик ишларини тобора кучайтирямиз. 1981 йилнинг охиларида яна 200 бош сигирга мўлжалланган молхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ферма ходимлари учун турар жой, маданий-маиший бинолар ҳам қурилди. Ҳалол меҳнатлари билан кўп ва юқори сифатли чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган кишилар оила аъзолари билан маданий ҳаёт кечиришлари ҳам керак. Бунинг учун уларга етарли шароитлар яратиб берилиши шарт.

Биз ёрдамчи чорвачилик хўжалигини ривожлантириш билан аҳолини гўшт, сут, тухум билан ложи борича мунтазам таъминлаб туриш, умумий овқатланиш корхоналарига шундай маҳсулотларни кўпроқ етказиб бериш, туёқ сонини кўпайтириш ҳисобига келажакда маҳсулотлар мўл-кўллигини бунёдга келтиришга мустаҳкам замин яратиш ва ниҳоят, соф фойдани кўпайтириш ҳисобига экономиканн мустаҳкамлаш, чорвадорлар моддий-маданий фаровонлигини юксалтириш ва бошқа муҳим тадбирларни кўзда тутдик.

Натижа қандай бўлаяпти? 1981 йилда чорва моллар туёқ сонини кўпайтириш ҳамда уларни бўрдоқи, сўқимга боқиш йўли билан 1.485 тонна гўшт тайёрлаш режаланган эди. Азамат чорвадорларимиз ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тайёрланган гўштнинг 200 тоннадан кўпроғи қорамолларни семиртириш ҳисобига олинди.

Ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ташкил этилган дастлабки йилларда бир неча юз боштина қорамол сўқимга боқилган бўлса, эндиликда йилига 2.200 бошдан зиёд қорамол, қалқам бир ярим минг бош қўй семиртирилиб, гўштга сўйиляпти. Гўшт учун асралаётган паррандалар сони салкам 90 мингтани ташкил этяпти. Лекин ҳали резервлардан тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ёки бошқачасига айтганда, бўрдоқичилик базасида гўшт етиштиришни ялада кўпайтириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг амалий ёрдамлари билан бу борадаги мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқдамиз.

Бир мисол. 1981 йилда инкубаторияда 370 мингдан зиёд жўжа очирилди. Шундан 140 мингтаси колхоз ва совхозларга, 151 мингтаси аҳолига сотилди. Бу билан районда паррандачиликни ривожлантириш, парранда гўшти ва тухум етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшилди. Жўжаларнинг қолган қисми эса ёрдамчи хўжаликнинг ўзида семиртирилиб, меҳнаткашларга сотиляпти, умумий овқатланиш корхоналарига гўштга етказиб бериляпти. Қодиржон Абдураҳмонов, Шарофат Ҳакимова, Киргизали Режапов каби тажрибали паррандабоқарларимиз тухум тайёрлаш йиллик планларини бажарибгина қолмасдан, пландан ташқари салкам 400 минг дона тухум етказиб бердилар.

Қўйчилик ҳам шаҳдам ривожлантириляпти. Қўйлар хилма-хил озуқалар билан зоотехника қондалари асосида парвариш қилинши туфайли тез семиряпти. Ҳар бирининг тирик вазни 55 — 60 килограммга етказилиб гўштга сўйиляпти. Ундан ташқари совлиқлардан қўзилар олинмоқда. Ўстиришга сақлаб қолиняпти. Биз яқин йиллар ичида қўйлар сонини хозиргига нисбатан 1,5 —2 баравар кўпайтириш, маҳсулдорлигини кескин ошириш тадбирларини аниқ белгилаб олдик.

Ёрдамчи хўжалик чорвадорлари озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдалар. Адир ва тошлоқ ерларни 173 гектари ўзлаштирилиб деҳқончилик қилиняпти. Такрорий экинлар экиш, ҳосилдорликни кўтариш ҳамманинг диққат марказида бўляпти. 1982 йил чорва қишлови учун 150 тонна озуқабоп дон, 75 тонна беда, 7000 тоннадан зиёд силос, кўплаб сомон ва бошқа ширали ҳамда тўйимли озуқалар жамгариб қўйилди. Унинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат олиб бориляпти.

Озуқа цехининг мунтазам ишлаётгани кўплаб аралаш озуқалар тайёрлаш, ундан чиқиндисиз фойдаланиш ва тежамкорликка эришиш имкониятини бермоқда. Бу цех ёрдамида бир кеча-кундузда 10—12 тонна юқори сифатли аралаш озуқа тайёрланади ва чорва молларига етказиб берилади.

Ёрдамчи чорвачилик хўжалигида 100 бош сигир бор. Ҳар йили юзтадан сотлом бузоқ оляпмиз, ургочи бузоқларни ўстиришга сақлаб қоляпмиз. Новвослар эса гўштга боқиляпти. Ундан ташқари 100 бош ғунажин ҳам асраляпти. Келгусида гўшт учун боқиладиган қорамолларни ёрдамчи хўжаликнинг ўзида етиштиришни кўзда тутмоқдамиз ва бунга эришамиз.

Чорвадорларимиз сут тайёрлашни тобора кучайтирмоқдалар. 1981 йилда сигирлардан соғиб олинган 68 тонна серқаймоқ сут болалар боғчалари, шифохоналарга етказиб берилди, умумий овқатланиш корхоналари орқали аҳолига сотилди. Шунисн ҳам диққатга сазоворки, сигирлар яхши парваришланиши туфайли маҳсулдорлиги мунтазам кўтариляпти, гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни эса 420—450 килограммни ташкил этяпти. Ёрдамчи чорвачилик хўжалигининг фаолиятини кучайтиришда Овода Ортиқова, Адолат Одилова, Розиқ Сияқов, Аҳмад Одилов, Акбар Хўжаев ва бошқа фидокор кишилар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, меҳнаткашларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ва ниҳоят, товар оборот планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда ёрдамчи чорвачилик хўжалиги катта роль ўйнамоқда. Биз бундан кейин ҳам бу тармоқни бутун чоралар билан кучайтирамиз.

У. КАРИМОВ,

Қува район матлубот жамияти правленнеси раиси, республикада хизмат кўрсатган савдо ходими.

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

Республикамиз чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар. Айни пайтда сигирлардан сут соғиб олишни кўлайтиришяпти. Суратларда: 1. Жарқўрғон районидаги Боймуродов номли колхознинг илғор чорвадорлари Замира Олламуродова ва Норой Маматаминова. Бу икки сут соғувчи ўзаро мусобақалашиб ишлаб, ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан ошириб сут соғиб олишга эришдилар. Бу йил улар ҳар бир сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олишди. 2. Шовот районидаги «Ленинград» колхози сут-товар фермасининг илғор сут соғувчиси Бозорбика Жумабоева. У ўтган йили ўз боқимидаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан 3600 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлган эди. Илғор чорвадор бу йил ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 3800 килограммга етказиш учун курашмоқда.

Е. Хўжамбердиев (ЎзТАГ) ва А. Тўраев фотолари.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётган Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида дастлабки галабага эришдилар. Гўшт топшириш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Давлатга пландаги 124 тонна ўрнига 170 тонна гўшт топширилди. 400 бош қорамолнинг ҳар бирининг тирик вазни 430 килограммни ташкил этди. Колхоз чорвадорлари гўшт топшириш юзасидан белгиланган йиллик планни ҳам муваффақиятли адо этиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Қўриқ Жиззах областининг ҳамма хўжаликларида давлатга гўшт топшириш қизғин давом этмоқда. Аҳолининг шахсий хўжаликларида бўрдоқига боқилган молларни қабул қилиб олиш Пахтакор ва Зомин районларида намунали йўлга қўйилган. Ҳар икки районда ҳам гўшт тайёрлаш юзасидан январь ойи планлари ошиғи билан бажарилди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШОНЛИ САНА

6 январь куни Москвада Кампучия Халқ Республикасининг миллий байрами кунига бағишланиб пойтахт меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Нутқларда совет кишилари экономиканн тиклаш, миллий маданиятни вужудга келтиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда Кампучия халқи кўлга киритган муваффақиятлардан астойдил қувонаётганликлари айтиб ўтилди.

Кампучия Халқ Республикасининг СССРдаги муваккат ишлар вакили Теп Хенн доимий ва самарали ёрдам учун КПССга ва бутун совет халқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. Халқимиз, деди у, бундан буён ҳам бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам ва ишончли таянчи Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайверади.

* * *

Кампучия халқи билан бирдамлик кунлари программасига мувофиқ Москва, Ленинград, Иркутск ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида йиғилишлар, митинглар, дўстлик кечалари ўтказилади, виставкалар очилади, кино кўриклари ташкил этилади.

(ТАСС).

КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

Тошкентдаги Алишер Навоий номли кутубхонада «Курашга бағишланган ҳаёт» мавзуида янги кўргазма очилди. Бу кўргазма машҳур турк шоири Назим Ҳикмат туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган. Экспозицияда турк коммунист шоирнинг рус тилида биринчи марта эълон қилинган шеърлари қўйилган. Булар орасида Эдуард Багрицкий таржима қилган ва ярим аср муқаддам Москвада нашр этилган шеърлар китоби ҳам бор. Кўргазмада шоирнинг ўзбек тилидаги асарлари ҳам намойиш қилинмоқда.

Кутубхонада Назим Ҳикматнинг эълон қилинмаган кўп материаллари — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 йилда Тошкентда бўлиб ўтган I конференциясида, ёзувчиларнинг бошқа анжуманларида у сўзлаган нутқлар эҳтиёткорлик билан тўпланган. Н. Ҳикматнинг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлган учрашувлари тўғрисида, республика театрларида қўйилган унинг пьесалари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар эҳтиёт қилинмоқда.

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Илғарилари қолоқ совхозлардан ҳисобланган Мамажон Дадажонов номли совхоз ҳозир илғор хўжаликлардан бирига айланди. Бу ерда кейинги беш-олти йил ичида юқори ҳосилдорликка эришилди.

Совхоз агрономи Эсирган Қодирқулов эришилган ютуқларни шундай шарҳлайди:

— Мазкур совхозга 1975 йили агрономлик лавозимига ўтказилдим. Ўша йиллари ҳосилдорлик жуда ҳам паст эди — ҳар гектаридан 9 центнердан ҳосил олинаркан. Хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилгач масала ойдинлашди. Бу ерда агротехника қондалари мутлақо издан чиққан экан. Биз ишни қайтадан бошладик. Ерларни ҳосилдан бўшатган ҳамон шудгор қилдик. Ирригация ва мелиорация ишларини тартибга келтирдик. Ўғитдан, техника ва ишчи ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилди. Чигит экилмасидан илгари яхшилаб ишланди, гербицидлар фойдаланишга катта эътибор берилди.

Ўтган йили бундай чора-тадбирлар яхши самара берди. Ўша йилнинг ўзида ҳосилдорлик кескин ошди, пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтарилди.

Ўтган йили об-ҳавонинг ижобиликлари туфайли анчагина қийинчиликлар юз берди. Июнь ойида уч минг гектар ердаги ғўзани кучли ёмғир билан дўл уриб кетди. Лекин совхоз пахтакорларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари туфайли табиат ижобиликлари мардонавор енгилди. Қайта экилган ерлардаги чигит текис ундириб олиниб, олдингилари қаторига етказилди. Тўла гектар ҳосил қилинди, мўл ҳосил етиштирилди.

Йиғим-терим қизғин палларга кирган пайтда яхши йўлга қўйилган ўзаро мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб турилди. Баҳром Шербеков, Ҳайрулла Шоймардонов, Абдулла Мустанов, Абдуманнон Мирсолиевлар бошқарувчи бўлган бўлимлар совхоз коллективининг тез кунда галаба маррасини эгаллашини таъминладилар. Бу бўлимларнинг азаматлари 32—33 центнердан хирмон кўтариб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам биринчилар каторида бажардилар.

Ибодулла Назаров, Анорбой Ҳайруллаев, Муҳаммад Акабоев, Турсунқул Ўтабоев сингари бригадир-механизаторларнинг ҳар бири 200—300 тоннадан пахта терио, ўзаро мусобака голиби бўлишди.

Совхоз пахтакорларининг қўлга киритган ютугида Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг собиқ талабаси Э. Қодирқуловнинг ҳам улуши бор, албатта. Негаки, пахтачиликда юксак агротехниканн йўлга қўймай туриб, «оқ олтин»дан юқори ҳосил кутариб бўлмайди. Партия ва ҳукуматимиз ер илмининг табиби Эсирган Қодирқуловнинг меҳнатини юқори баҳолаш. Унинг ўн беш йиллик якунларига кўра у Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Ҳозир совхозда иш қизғин. Ўғитланиб, шудгорлаб қўйилган ерларга яхоб суви бериляпти, техника ремонти жадал олиб борилмоқда. Агротехника қоидалари тўла йўлга қўйилган. Дўстлик районидаги Мамажон Дадажонов номли совхоз азаматлари пахтадан ташқари қишлоқ хўжалигининг бошқа барча соҳалари бўйича белгиланган планн ортиғи билан бажаришди.

Жиззах область партия комитетининг аъзоси Эсирган Қодирқулов агроном бўлган совхоз заршуносларн СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллиги шарафига давлатга 11 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашиб, изланишни давом эттираётирлар.

Т. УНАБОЕВ.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЗАВОД ЮБИЛЕЙИ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Брашов шаҳридаги «Трактورул» заводи коллективи катта воқеани нишонламоқда. Ватаннинг биринчи тракторн ишлаб чиқарилган кунга 35 йил тўлди. Ўша пайтда янги тармоқ — тракторсозлик вужудга келган эди. Машина совет лицензиясига мувофиқ ва совет мутахассислари ёрдамида тайёрланганди. Совет мутахассислари ўзларининг румин ҳамкасблари билан қўлни қўлга бериб ишлашган эди. СССР корхона учун комплект асбоб-ускуналар етказиб берди, маланали кадрлар тайёрлашда, тракторсозлик соҳасидаги сўнгги ютуқлар билан Руминия мутахассисларини таништиришда ёрдам кўрсатди.

ЮКСАК МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ

БУДАПЕШТ. Дьердаги «Грабопласт» сунъий нарм заводининг коллективи хотирасида тугаган йил юксак меҳнат ютуқларига эришилгаи йил сифатида сақланиб қолади. Корхона меҳнаткашлари эски йилнинг сўнгги кунларида мамлакатга пландан ташқари 1 миллион квадрат метр маҳсулот берди. Улар 1981 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хилини кўпайтириш соҳасида салмоқли натижаларга эришдилар. Завод буюмлари рўйхатида пайдо бўлган янги маҳсулотлар Будапештдаги халқаро ярмаркаларда соврин ва ёрлиқларга сазовор бўлди. 1981 йилда «Грабопласт» маҳсулотининг учдан бир қисмидан кўпроғи экспортга, шу жумладан Совет Иттифоқи, Чехословакия, Кубага жўнатилди.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН УЙИНЧОҚЛАР

БЕРЛИН. Дунёдаги қайси авиация заводи йилига 3,6 миллионтагача самолёт ва вертолёт ишлаб чиқариши билан мақтана олади? ГДР жанубидаги Аннаберг-Буххольц шаҳрида ана шундай корхона бор. Бу — «Пластикарт» комбинати бўлиб, у пластмассадан самолётларнинг ўйинчоқ моделларини ишлаб чиқаради. «Пластикарт» лайнерлари (болалар шу лайнерларнинг «учувчилари» бўлишади) ГДРнинг кичкинтой гражданларигагина эмас, шу билан бирга бошқа мамлакатларнинг болаларига ҳам гоят манзур бўлмоқда. Бу ерда ҳозирдаёқ турли давлатларнинг 30 дан кўпроқ типдаги самолётларининг айнан ўзи ўйинчоқ қилиб ишланган. Булар орасида совет авиаконструкторлари Туполев, Ильюшин самолётларининг моделлари жуда кўп, космик учиш аппарати — «ВТОК» кемасининг модели ҳам яратилган. Тугаган йилдаги янгилик — «Аэроплан» ҳозир шаҳардаги болалар боғчаларининг бирида «синов»дан ўтмоқда. Бу конструкциянинг хусусияти шундай иборатки, ўйинчоқлар янги принцип асосида ишчилаб. Бундай ўйинчоқларни ҳатто жуда ёш болалар ҳам йиға оладилар

ЭНЕРГИЯ ҲОСИЛ ҚИЛИШ КЎПАЙМОҚДА

ХАНОЙ. Ўтган йили социалистик Вьетнам аҳолисининг хонадонларидаги электр чироқлари ёқиниқ порлади. корхоналардаги станоклар ва машиналар, кооператив далаларига сув чиқариб берувчи насослар пухта ишлади. Республика энергетикларининг дадил ишлари натижасида электр энергия ҳосил қилиш даражаси 1981 йилда 4.4 процент ошди

Уонгбидаги электр станция меҳнаткашлари айниқса юқори натижаларга эришдилар. Бу ерда энергия ҳосил қилиш бир йил ичида 15 процент кўпайди. Вьетнам ва совет мутахассисларидан иборат интернационал коллектив аҳиллик билан аниқ-пухта ишлаганлиги натижасида шу муваффақиятга эришилди Корхонада социалистик мусобақа ҳамда ишлаб чиқариш новаторларининг ҳаракати кенг авж олиб кетганлиги ҳам муваффақиятни таъминлаган муҳим омиллар бўлди

(ТАСС).

ВСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 6 январь. (ТАСС). ВСР ташқи ишлар министрлиги АҚШ Таиланда ҳарбий кучларини кўпайтираётганлигига қарши норозилик баёнотини эълон қилди. Ҳужжатда, жумладан, қуйидагилар таъкидланади: Таиланднинг максабдор шахслари эътироф этишича, АҚШнинг 7-флоти самолётлари ўтган йил ноябридан бошлаб Американинг Таиланд территориясидаги Утапао собиқ ҳарбий-ҳаво базасидан доимий фойдаланмоқда ва Таиланд қўшинларининг ҳарбий машқларида қатнашмоқда.

Америкалик империалистлар ва пекинлик гегемончилар Ҳинди-Хитойдаги суверен давлатларнинг ички ишларига аралашувни кучайтириб, шу давлатлар ўртасидаги чегарада доимо қўпол провокациялар ва провокацияларни ташкиллаштирмоқда. Бироқ, бу уринишларнинг ҳаммаси барбод бўлиши муқаррар. Ҳайқаро реакция кучлари ҳар қандай ҳаракат ёки найранг ишлатмаснилар. Ҳинди-Хитой халқларининг тинч бунёдкорлик меҳнатига халақит бера олмайдилар.

АҚШ номи билан ўз халқининг манфаатларига, Осиёда барқарорлик ва тинчлик манфаатларига қарши иш тутаётган Таиланднинг ҳукмрон доиралари ўзларининг тажовузкорлик сиёсатлари учун жавобгар бўлишлари лозим. Вьетнам халқи, деб таъкидланади баёнотда, ана шу авантюристик ҳаракатларнинг дарҳол тўхтатилишини қатъиян талаб қилмоқда.

АНТИСОВЕТИЗМ ГИРДОБИДА

ПЕКИН, 6 январь. (ТАСС). Янги йил арафасида Пекиндаги бир қанча газета ва журналлар ўтган йилнинг «энг муҳим воқеалари» ҳақидаги обзорини босиб чиқарди. Хитой пропагандасининг халқаро вазият ривожини даставвал советларга қарши нуқтаи назардан, ниҳоят қилиб айтганда эса антисоветизм позициясида туриб кўриб чиқишга уринишлари ҳайдаги рўйи рост интилишни кўзга ташланади. Масалан, ХКП Марказий Комитетининг органи «Жэньминь жибао» газетаси КПСС XXVI съездининг тинчлик ташаббусларига яна хўруз қилди. Газета фикрнинг 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программамизни очиқдан-очиқ «агрессив» мақсадлардаги программа деб атамоқда, буларнинг ҳаммаси гўё Совет Иттифоқи тинчликка таҳдид этиб, АҚШ империалистларига эса оз бўлмаса ҳамма жойда мудофаага ўтишга тўғри келмоқда, деган сафсатани «исботлаш» мақсадида қилинмоқда.

Бугунги Пекин пропагандаси Ғарбдаги реакцион пропаганданинг ошкора провокаторлик, ғаламислик руҳидаги чиқишлари билан бир хил иш тутаётганлиги унинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб қолганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Пекин газеталари ва журналларининг саҳифаларида, Хитой телевидениеси экранларида АҚШ ва НАТО мамлакатлари давлат арбобларининг Советларга қарши ва АҚШ ва НАТО ҳарбий-сиёсий блоклари ичидаги ҳамкорлик ҳақидаги ҳар хил ёлғон ва ҳаддан ташқари ҳаддан ташқари ҳаддан ташқари

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

КАТТАҚЎРҒОН—ТЕАТР ШАҲРИ

Мажидий номли Каттақўрғон драма театрининг ижодий коллективи 1981 йилни иккита премьера билан якунлади. И. Султоннинг «Донишмандниг ёшлиги» пьесаси асосида саҳналаштирилган янги постановка ўрта асрнинг буюк олими ва мутафаккири Абу Али ибн Синонинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. А. Н. Островскийнинг «Момақалдироқ» спектаклини яратиш ишлари ҳам тугалланди.

Каттақўрғон халқ қўғирчоқ театрида ҳам янги йил арафасида янги постановкалар қўйилди. Булар Ю. Жульжиккинг «Уч истак» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль ҳамда А. Гайдарнинг «Ҳарбий сир» повестининг инсценировкасидир.

ЯНГИ КЛУБЛАР ҚУРИЛДИ

Оқдарё районидаги «Коммунист» колхози посёлкасида қурилган янги клуб залларида янги йил чироқлари порлади. «Самарқандобколхозстрой» трестининг механизациялашган колоннаси қурувчилари клубни муддатидан илгари фойдаланишга топширишди. Клуб 600 кишига мўлжалланган бўлиб, бу ерда учта зал, тўгаракларнинг ишлаши, спорт машғулотлари ва ўқиш учун хоналар, кутубхона, ўқиш зали жойлашган.

Янги йил арафасида қишлоқ қурувчилари Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозига ҳам ана шундай клубни топширишди. «Узколхозстрой» ходимлари ўтган 1981 йилда колхозларнинг буюртмаларига биноан ўнта клуб қуриб бердилар.

ШИНАМ УЙЛАР

Задарё райони «Правда» колхозидаги тарқоқ уйларда яшовчилар шаҳар типида қурилган 14 та шинам ва қулай уйларга кўчиб киришди. Уй-жой қурилиши кооперативи барча коммунал қулайликларга эга бўлган 5—6 хонали коттежларни барпо этди. Республика хўжаликларида ташкил этилган бундай кооперативлар ҳозирги вақтда минглаб пайчиларни бирлаштиради. «Узмежколхозпроект» институти табиий иклим зоналарини, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда 64 та типовой қурилиш лойиҳасини тайёрлаб берди.

Қишлоқ уй-жой кооперативларининг фаолияти туфайли бу йил қарийб икки мингта оила шинам ва қулай уйларга кўчиб кирди.

ШАҒАЛ-САРАЛАШ ЗАВОДИ

Пахтаобод районидаги шағал-саралаш заводи қурилиши ниҳосига етди. Бу завод йилига 500 минг кубометр шағал, майдаланган тош, қум ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу заводга яқин жойлашган темир-бетон буюмлар заводи ҳамда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг қурилиш ташкилотлари янги корхона маҳсулотларини оладилар.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Онла бошлиғи — онанинг қувончи ичига сиғмайди. Гўё кўпдан бери кутган, кўнглига тугиб келган орзуси ушалгану шунинг шукуҳи билан очилиб-сочилиб меҳмон кутяпти. Ҳақиқатан ҳам у шу кунни, шундай онларни умр бўйи интизор бўлиб кутган, орзу қилганди. Фарзандлари ҳақида ширин-ширин орзу-умидлар қилиш, эзгу ниятлар билан яшаш, шулар ҳаққи турмушдаги ҳар қандай қийинчиликларни ўз гарданига юклаб, ўғил-қизим келгусида ишончимни оқласа, яхши-яхши касб эгалари бўлиб етишса бас, деб ҳаловат нималигини билмай турмуш кечириш барча ота-оналар сингари Хайри хола учун ҳам ҳаёт қонуни бўлиб қолган эди.

Болаларни ҳали ёшлигиданоқ меҳнатга ўргатиш, уларни ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан чиниқтириш тарбияда муҳим аҳамиятга эга бўлишини бошқа ота-оналар сингари Хайри хола ҳам яхши тушуниб етарди. Шунинг учун ҳам ўз ҳаётида тўрт қиз ва бир ўғил кўрган она уларни суяги қотгандан бошлаб меҳнат қилишга ўргатди, уларнинг меҳнат қобилиятини ўстириш билан бирга ҳақиқий меҳр-муҳаббат ҳиссини ҳам ошира борди. Бунинг самараси чакки бўлмади. Қизлари Муяссар, Шарофат, Зумрадлар каби Дилбар ҳам меҳнатсевар бўлиб вояга етди. Эсида, мана шу кенжа қизи мактабни тугатган кунининг эртаси куни: «Энди нима қилмоқчисан, қизим?» деб савол берганида, Дилбар, шундай жавоб қайтарди:

— Ойижон, ўзингиз доим ҳунарларнинг қўли гул бўлади, кимки ҳунарманд бўлса сира кам бўлмайди, дердингиз. Синфимиздаги қизлар чинни заводга ишга киришмоқчи. Агар йўқ демасангиз, мен ҳам ўша заводга борсам?..

— Ниятинг йўлдошинг бўлсин, қизим, — хурсанд бўлиб кетди она шунда. — Яхши йўлни танлабсан. Ҳунар деганн нозик бўлади. Унга чиндан меҳр, ихлос, қунт керак. Агар шундан бўйин товламасанг ишинг доим ўнгидан келаверади.

Шу гапдан кейин уч-тўрт кунча вақт ўтиб Дилбар бир группа қизлар билан заводга борди. Уларни дирекцияда қабул қилишиб, аввал завод цехларини, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўрсатишди, иш жараёнлари билан таништиришди. Завод ҳаёти билан таниш чиққан Дилбарга айниқса, бадиий безаш цехи ёқди. Унда чинни идишлар сиртига берилган бадиий безаклар, турли рангли жилолар, транспортерлардан ўтиб турган кўзни қамаштирувчи чойнак, пиёлалару косаларнинг ниҳоятда санъаткорона безатилганлиги унинг ҳаёлини олган, бутун фикри-зикри ана шу касб сирини эгаллаш бўлиб қолганди.

— Завод сизларники, қандай иш сўрасангиз ҳам йўқ демаймиз. Лекин киши ўз ҳаёти остонасила турганда ўзига бир умрлик йўлдош бўладиган касб танлай билиши керак, — дейишди заводдагилар.

Қизлар уйга кетишди, аммо Дилбар қолди. У тўппа-тўғри директор олдига кирди-да, шундай деди:

— Рухсат берсангиз, бадиий безаш цехида ишласам.

— Қароринг қатъийми?— сўради директор ҳам қизнинг максадига тушуниб. — Кейин янглишибман, деб юрмайсанми?

— Пўқ қатъий қарорга келиб қўйганман. Бадиий безаш сирларини ўрганмоқчиман.

— Жуда яхши. Ишни шогирдликдан бошлайсан. Мўйқалам юритиш қўлингдан келганда мустақил иш берамиз. Келишдикми?

Иш шу тахлитда бошланиб кетди. Куни кеча мактаб остонасини ҳатлаб заводга, катта ҳаёт боғрига келган қизда бу ердаги турмуш, одамлар бутунлай бошқача таассурот қолдирарди. Каттагина цех, тахминан бир сменада юздан ортиқ йигит-қиз ўз дастгоҳида усталари кўрсатган ишни бажаришади. Уларнинг деярли кўплари ёшлар. Ҳаммаси топширилган ишни бекамиқўст бажаришга, мастердан кўпроқ топшириқ олиб, кўпроқ эрта бажаришга интилишади. Улар Дилбарга ҳам тез ва чаққон ишлашни ўргата бошлашди. Дастлаб қўли мўйқалам тебратишга қўникмаганидан қийналиб, ҳатто тушкунликка берилган қиз коллектив кўмагида тезда ўзини ўнглаб олиб, касбдош ўртоқлари сингари тиришиб-тармашиб ишлашга, ҳар бир топшириқни қунт билан бажаришга киришди. Унинг иш ўрганиб кетишида айниқса цех бош рассоми Аҳмад ака Мирзабоевнинг ёрдами катта бўлди.

Бадиий безаш цехи коллективининг ана шундай бир бирига ёрдам бериш, ўзаро ҳамкорлик қилиш принциплари мавжуд бўлиб бу бошқа цехларга ҳам ўрнак бўларли эди. Бу ерда ишга келган ёш ишчини мураббийлар ўз оталигига олишар, унга иш ўргатишарди. Агар ишчи бирон хато ёки қаличиликка йўл қўйдими, дарҳол бунинг сабаблари аниқланиб тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Ҳаммаси коллектив суратда бригада ёшлари ўртасида ҳал этилади. Бундай бригадаларга ўз касбининг моҳир усталари бўлиб танилган Хожия Азизова ва Валентина Рашидова сингари устоз ишчи мураббийлар бошчилик қилишади. Дилбар Орифжонова ҳам ана шу устозлар боғрида камолга етди.

Чинни идишларга ўзига хос ранг танлаш, такрорланмас безак топиш жуда мушкул, айни пайтда рассомдан санъаткорликни талаб этадиган иш. Рассом кўрсатиб берган тайёр шаклларни бенуқсон чинни сиртига туширишдан ҳам мураккаб. Бунинг сирини цех бош рассоми Аҳмад ака Мирзабоевдан ўрганиб олган Дилбар кўп ўтмай бу соҳада бошқалардан қолишмайдиган, кўпларга ўрнак кўрсатиб ишлайдиган бўлди. Д. Орифжонова қобилиятлилиги, меҳнатсеварлиги билан коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонди. Корхонага оддий шогирд бўлиб ишга келган қиз коллективда тарбияланиб вояга етди, социалистик мусобақа қолиби бўлди.

Коллектив ижодкор, ташкилотчи бўлганидагина унинг тарбиявий таъсирчанлиги ошиб боради. Заводнинг маъмурий биносига кираверишда, ўнг томондаги деворда «Мусобақадошлар тахтаси» бор. Унда ким, қайси бригада ойлик планни қандай бажаргани, кимлар бракка йўл қўйиб корхона ишлаб чиқариш планини орқага судраётгани ёзиб борилади. Бундан ташқари чиқарилаётган фотокўргазмали «Таниқ бурчаги» ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай тарбиявий ишлар ташкилотчиси сифатида Дилбар Орифжонова ҳам катта амалий вазифаларни бажармоқда.

Кейинги пайтда корхонада ишлаб чиқариш сифати бироз оқсаб қолди. Текширишда баъзи цех ва бригадаларда сон ортидан қувиб, маҳсулот сифатига путур етаётгани маълум бўлди. Ишлаб чиқаришдаги бундай кўнгилсизликка тезда чек қўйиш учун зарур чоралар белгиланди. Коллективда, бригадалар ҳамда цехларда маҳсулот сифатини ошириш борасида мунозарали йиғилишлар ўтказилди. Ҳар бир бригада бошлиғи ва ишчининг масъулияти оширилди.

— Маҳсулот сифатини ошириш, Тошкент чинни заводининг илгариги шуҳратини тиклаш ҳаммамизнинг бурчимиздир, — деди йиғилишда Дилбар Орифжонова. — Таклифим шуки, ҳар бир бригадада маҳсулот сифатини текшириш, уни назорат қилиб бориш комиссияси ташкил қилиниши лозим.

Дилбарнинг бу таклифи маъқулланди. Цехларда, бригадаларда сифатни назорат қилиш комиссиялари ташкил қилинди. Энди улар ишлаб чиқаришдаги ҳар бир нуқсоннинг ўз вақтида тузатиб борилишида маъмуриятга яқиндан ёрдам берянти.

Дилбар Орифжонова — ишчи қизи. У ўзининг бахтиқболини ўзи ишлаётган коллективдан топди. Коллектив тавсияси билан у Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Дилбарнинг оила аъзолари ҳам шу ерда — чинни заводда ишлашади. Опа-сингиллар бир-бирларига кўмакдош. Шунисн эътиборга сазоворки. Орифжоновлар оиласи корхонада меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги билан танилган. Бу оила аъзоларининг ҳаммаси ҳам социалистик мусобақа илғори, беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашаётганлар сафида боришмоқда. Улар ҳалол меҳнатлари билан элда, коллективда қадр-қиммат топишмоқда.

Ш. ҒАНИЕВ,
КПСС XXVI съезди номли Тошкент чинни заводи бригада бошлиғи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ХУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
МАХСУС ГРУППАЛАРГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ДЕКОРАТОР-БЕЗАКЧИЛАР — ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари учун.

Ўқиш муддати — 2 йил.

КИРУВЧИЛАР рус тили (диктант), расм бўйича имтиҳонлар топширадилар.

СЛЕСАРЛАР — савдо автоматларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича.

Ўқиш муддати — 1 йил.

БУ ГРУППАГА КИРУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ УТКАЗИЛАДИ.

Бу иккала группаларга тўлиқ ўрта маълумотли, 25 ёшгача бўлган ва Ўзбекистон шаҳарларида яшовчилар қабул қилинадилар.

Группалардаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга стипендия тўланади.

ЎҚИШ БОШЛАНДИ

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг савдо бошқармасидан ёки шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон 78-44-30.

Тошкент область Тошкент районидаги
68-ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981-1982 ўқув йили учун
8—10 синфни битирган йигит ва қизлардан
асаларичилик ихтисоси бўйича қўшимча

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини ҳитиёзли тамомлаган ҳар бир йигит-қиз олий ўқув юртларига конкурссиз кириб ўқиш ҳуқуқига эгадир.

Билим юртида ўрта таълимни давом эттиришга имконият бўлиб, кечки ишчи ёшлар мактабининг 9—10 ва 11-синфлари мавжуддир.

Колхоз ёки совхоздан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишга юборилядилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 8 та расм 3х4 см. ҳажмда, соғлиғи ҳақида справка.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Тошкент райони, А. Абдурахмонов номли совхоз.

Билим юртига Келес автостанциясидан 292-автобусда охирги бекатгача борилади.

200-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
14—15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизларни
1981—82 ўқув йилига
ҚЎШИМЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти «Миконд» заводида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: токарь-универсаль, фрезерчи, асбобсоз, асбобсоз-слесарь, радио аппаратуралари ва приборлар монтажчиси, шиша ва биллур идишларни сайқалловчи, радио деталларни йиғувчи, радио деталлар контролёри, электромеханик ва радио техник приборлар ҳамда системалар монтажчиси.

Ўқиш муддати 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил. Ўқувчилар касб билан биргаликда ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳоларда тамомлаганлар ихтисосларига мос олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Ҳамма ўқувчилар озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 6 ой. Ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганларга база корхонаси томонидан 40 сўм қўшимча ҳақ тўланади.

Ўқувчиларга «Миконд» заводида ишлаб чиқариш практикасини ўтиш муддатида иш ҳаҳининг 33 процента тўланади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма) справкалари; иш ёки ўқиш жойидан характеристика, автобиография, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 106-уй. (2, 7-троллейбусларнинг «Матлубот уйи» бекати).

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ
хор коллективида ишлаш учун
АШУЛАЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ашула ижро этиш қобилиятига ва музика маълумотига эга бўлган 18—35 ёшли эркаклар ва аёллар қабул қилинади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Справкалар олиш учун ҳар куни (душанбадан ташқари) соат 10 дан 15.00 гача қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 28-уй.

ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/I да Диларфузга тўрт ошиқ, 9/I да Ёшлинда берган кўнгил, 10/I да Ишонмасанг ўламан.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЦИРКДА АРЧА» янги йил цирк томошалари (10, 13, 16, 19.30).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/I да Абу Али ибн Сино (12.00), Оқ таниллар (16.00), 9/I да Абу Али ибн Сино (12.00), Оқ таниллар (16.00), 10/I да Келинлар қўзғолони (12.00), Оқ таниллар (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК

Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети коллективи кадрлар бўлимининг бошлиғи К. С. Азизова отаси

Содиқ АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректорати ва жамоат ташкилотлари ҳисоблаш математикаси кафедрасининг доценти

Турғун Жалилович АҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

ХОРАЗМ. «Беш йиллик — тўрт йилда!» Хива бадиий кераматка буюмлари заводи коллективи ана шундай меҳнат шиори остида ишламоқда. Ўтган съездлар йилини барвақт якунлаган корхона ишчи-хизматчилари ҳозир янги — 1982 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 45 хил маҳсулотнинг ўн бир турига давлат Сифат белгиси берилган. Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Сора Бекжонова иш устида.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

БАСКЕТБОЛ:

ОЛДИНДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР

БИРИНЧИ ЛИГА КОЛЛЕКТИВЛАРИ МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИНИНГ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИНИ ЯКУНЛАБ, ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДАЛАР

Баскетболчи йигитлар ўртасида ўтказилаётган мамлакат 49-чемпионатининг саралаш ўйинлари республикамиз пойтахтида ниҳоясига етди. Командалар фахрли ўринлар учун курашувчи финал группадан жой олиш мақсадида беллашдилар. Якунловчи учинчи тур ўйинлари Тошкентдаги «Динамо» теннис саройида бўлиб ўтди. Мухлислар «Университет» командасининг ўйинларини кўришга муяссар бўлишди.

Тошкентнинг «Университет» командаси Владивосток ва Свердловск шаҳарларида ўтказилган учрашувларда мавқеини мустаҳкамлаб, финал группага бериладиган йўлланмани деярли нақд қилиб қўйган эди. Вакилларимиз ўз майдонларида ҳам учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилишди. Улар кетма-кет икки галабадан кейин қолган учрашувлар натижасидан қатъи назар ҳал қилувчи баҳсларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Колган беш команда эса иккинчи йўлланма учун курашди.

Иккинчи йўлланмага Свердловскнинг «Уралмаш» ва Владивостокнинг «Спартак» командалари кўпроқ даъвогорлик қилдилар. Бу командаларнинг ўзаро учрашувида Узоқ Шарқ баскетболчилари 105:94 ҳисобида устун келиб, мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. «Уралмаш» йигитлари эса Ворошиловград спартакчиларига (100:109) ҳам имкониятни бой бериб, учинчи ўринга тушиб қолишди. Аксига олиб, Узоқ Шарқ баскетболчилари навбатдаги учрашувларда икки марта ютқазиб қўйишди. Оқибатда, «Уралмаш» яна иккинчи ўринга чиқиб олди.

«Университет» командасининг ўйинлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Баскетболчиларимиз Ворошиловградниг «Спартак», Ставрополнинг «Кавказ», Омскнинг «Шинник», Иркутск ўйсозлик комбинати, «Уралмаш» ҳамда Узоқ Шарқ спартакчиларидан устун келиб, олий лигага қайтмоқчи эканликларини амалда кўрсатдилар. Улар жами 18 учрашув ўтказиб, бир мартагина мағлубиятга учрадилар. Шуни ҳам айтиш керакки, «Университет» учрашувларни мағлубиятсиз ўтказган бўлса-да, имкониятлари даражасида куч синашмади. Бойси, марказий ҳужумчи В. Филюшкин сўнгги турда иштирок эта олмаган бўлса, Д. Сухарев, Г. Авдеев, В. Сёминлар ҳал этган ҳолда майдонга тушишга мажбур бўлишди. Команда капитани С. Гаврилов билан комсорг Н. Бузляковлар эса бор кучларини ишга солиб, коллективни қийин аҳволдан қутқаришга уринди.

Зотан, баскетболчиларимизнинг меҳнатлари зое кетмади. Владивосток ва Свердловскда бўлгани сингари Д. Сухарев турнинг энг яхши ўйинчиси номига сазовор бўлди. В. Майстеренко билан Н. Бузляковлар махсус совғи билан тақдирландилар. Шундай қилиб, чемпионатнинг саралаш ўйинлари якунланиб, баскетболчилар ҳал қилувчи баҳсларга ҳозирлик кўришни бошлаб юборишдилар. Финал ўйинлари икки даврали бўлиб, 23—30 январь ҳамда 25 февраль—4 март кунлари ўтказилади. Биз, навбатдаги синовлардан ҳам муваффақиятли ўтиб, яна олий лигага қайтишида «Университетга омад тилаймиз.

С. ДАНИЛОВ.

Суратда: «Университет» командаси ҳужумда.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СЕРУНУМ ШЧИТ

ЧССР ва ГДР инженерлари биргалашиб тўрт йил ишлаш натижасида диаметри 2,7 метргача борадиган тоннелларни қазишда ишлатиладиган шчит яратдилар. Бир суткада 15 метргача унум билан ишлатиш мумкин бўлган шчит техникавий характеристикалари жиҳатидан капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган шундай машиналардан устун туради.

СЕРҲОСИЛ БУҒДОЙ

Румниялик селекционерлар серҳосил «Ловрин-32» нав буғдой яратдилар. Буғдой қоғоз сифатли дон беради, касалликларга яхши қаршн тура олади, шамолда ётиб қолмайди ва дони тўкилиб кетмайди. Янги буғдой гектар бошига ўрта ҳисоб билан 85 центнердан ҳосил беради.

100 ЙИЛДАН КЕЙИН ЕРНИНГ ИҚЛИМИ

ГФРлик профессор Герман Флос яқин юз йил ичида ер куррасининг иқлимида каттагина ўзгаришлар бўлишини кутиш мумкин, дейди. Шимолий ярим шарда ўртача йиллик температура 4 градус кўтарилади ва Арктикадаги музлар эриб бошлайди. Бунинг натижасида океанлардаги сув юзаси кўтарилади, қитъаларнинг қиёфаси ўзгаради, Шимолий Муз океани соҳилларида дарахтзорлар пайдо бўлади, чўл зоналари камаяди.

Флоснинг фикрича, бутун дунёда ёқилаётган ёқилғи миқдори ҳозирги суръат билан кўпайиб бориб, атмосферанинг юқори қатламларида жуда кўп углекислота йиғилиб қолиб ер иссиғининг космосга ўтишига тўсқинлик қилганида шу нарса рўй беради.

БАЛКОНДА ДЕҲҚОНЧИЛИК

Болгарилик агрономлар яратган тупроқ ўрнида минерал составдан фойдаланиб озгина меҳнат билан ҳолда балконлар ва ёпиқ биноларда мўл сабзавот ҳосили олиш мумкин. Магазинлардан балконда ўрнатиш учун шундай «тупроқ» солинган ва сабзавот уруғлари экиб қўйилган пластмасса қутиларни харид қилиш мумкин. Етиштирилган сабзавот йиғиштириб олингандан сўнг магазин ишлатилган яшикларни озгина ҳақ эвазига янгисига алмаштириб беради.

(ТАСС).

ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ

Ворошилов районидаги далалар майдони 186 гектар кенгайди. Бунга хуторларни тугатиш ҳисобига эришилди. Район хўжаликлари кўкламга бориб эски бинолардан ҳалос бўлган яна 800 гектарни қўшимча равишда олади. Бу биноларнинг аҳолиси эса янги посёлкаларда ҳовли тўйларини ўтказади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Мультфильмлар. 10.25 — Концерт. 10.55 — Бедарак йўқолганнинг изидан. Бадиий фильм. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Орлёнок. 17.30 — Подмосковье учрашувлари. 18.00 — Мунозара клуби. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30—Фильм-концерт. 19.45 — Фан оламида. 20.15 — Хавфли ёш. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Концерт. 23.05 —Дунё воқеалари. 23.20 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Мақсад. Бадиий фильм. 3-серия. 10.55 — Фильм-концерт. 11.25—АВВГДейка. 14.00 — Болалар учун фильм. 15.10 — Киносаёҳатчилар клуби 16.10 — Концерт. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Фарғоналарнинг куни. Бадиий фильм. 20.05 — Хайрли тун, кичинтойлар. 20.20 — Спорт программаси. 21.30 — Время. 22.05 Футбол. Халқаро турнир СССР-1 — Бразилия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Ўрмон фестивалига мархамат. Спектакль. 13.30 — Қизил гул. Бадиий фильм. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.45 — Ёшлик. 19.15 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон балети ҳақида. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Ўзбекистон балети ҳақида (давоми). 21.30 — Время. 22.00— Дунё воқеалари. 22.30 —Эртага — премьера.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Телефильм. 18.30 —Фильм-концерт. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Чизма геометрия. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 5.30 — Ёшлик қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Т. Алиматов чалади. 12.10 — Ўзбекистан индустриальный. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — М. Собирова куйлайди. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-18; аъзолик бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-83; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01712. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма онаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 6. 10